

ТАСАВВУФИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ

Газиев З., ЖДПИ ўқитувчиси

Жамият ёшлар онгида маънавий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб ўз истиқболига эриша олмайди. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади,-деб таъкидлайди Президент И. А. Каримов.

Миллий тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний, шу билан бирга, долзарб вазифадир. Мафкуравий мақсадлар асосида турли миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, уларни теран англаш, илмий талқин қилиш маърифий заруратдир.

Хусусан, ўзбек халқининг миллий ва маънавий меросига муносиб ҳисса қўшган кўплаб олиму фузалолари борки, улар орасида сўфий олим ва йирик фикҳ, мутафаккир шоир Сўфи Оллоёр ўзига хос ўрин тутди.

Тарихимиз саҳифалари шундан далолат берадики, юртимиз ривожига ҳамма вақт ҳам бир текис кечмаган.

Айниқса, темурийлар ҳукмронлигидан сўнг-яъни XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ вақт ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобидида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожига ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга маълум.

Мутасаввуф Сўфи Оллоёр ижоди ва фаолияти XVII аср охири XVIII аср бошлари Мовароуннаҳр халқлари ижтимоий-маънавий муҳити ва даврнинг асосий ғоявий-мафкуравий йўналишларини ўрганишда муҳим манбадир.

Алломанинг “Сабот ул-оҷизин” рисоласи ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим фан бўлган ақида масалаларининг туркийдаги шарҳи ҳисобланади. Аммо унинг эътиборли жиҳати шуки, ўша даврда Мовароуннаҳрга Афғонистондан кириб келган ва аҳоли орасида кенг тарқалаётган ботил сўфий оқим-равшанийлар ҳаракатига қарши халқни кўтариш, унинг халқни ўз таъсири остига олишига йўл қўймаслик, ёт мафкурага қарши курашиш бўлганлиги кўриниб туради.

Сўфи Оллоёрнинг ёзишича, ўша даврда тўғри йўлдан адашган бир фирқа пайдо бўлиб, улар “шариат ҳукмидан ташқари” бўлган ишлар қилиш билан одамларни йўлдан оздиради. Мутасаввиф шоир юртдошларини бу оқим хуружидан эҳтиёт бўлиш ва муҳофазаланишга чақиради:

Бани Одамда бордур бир фариқа,
Тутарлар ўзларин аҳли тариқа.
Ғараз эй бандалар нозир ўлунглар,
Ямон йўл фирқага ҳозир бўлунглар.

Мутасаввуфнинг таъкидлашича, Муҳаммад (с.а.в.) шариатига душман бўлган, ҳатти-ҳаракатлари, феъли тўнғизга ўхшайдиган бу равшанийлардан ташқари уларга ўхшаш яна бир бузғунчи оқим авбошлар тўғрисида, уларнинг “оти мўъмин, вале нафсиға шайдо” бўлиб улар ҳам шариатга номувофиқ ишлар билан машғуллигини айтиб ўтади. Сўфи Оллоёр бу фирқанинг тариқат пири Хожа Аҳмад Яссавий номидан иш кўрганлигини қаттиқ қоралаб шундай ёзади:

Инонсун деб муни бир неча беақл,
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.

Мазкур тўғри йўлдан адашган “беақл”, “малъун фирқа”га Аҳмад Яссавийдек пири қомилнинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, бундай хурофот ва “бидъат” ишга Яссавийдек “соҳиби ҳол” асло йўл қўймаслигини мутафаккир қуйидагича ифодалайди:

Худонинг дўсти бўлса Хожа Аҳмад,

Қилурми ҳеч мунингдек бидъати бад.

Анинг шаънига ёлғондур бу афъол,

Агар чин деса эрмас соҳиби ҳол.

Мутасаввуф бундай ишлар “ўшал қутби замон”дан содир этилмагани, бу каби ғайриахлоқий бузғунчиликни нафақат Аҳмад Яссавий, балки бошқа улуг валийлар ва маърифатпарварлардан нақл этсалар ҳам ундай гапларга асло ишонмаслик ва алданмаслик кераклигини қатъий уқтиради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. –Т.: 2001.